Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 9-IYUL, JUMA, 81 (7698) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Республикамизда ўрим-йиғим мавсумига пухта тайёргарлик кўрилганлиги, айниқса, МТП ва ММТПлар жамоалари, муҳандис-техник ходимларининг комбайнларни сифатли созлашгани, ўрим-йиғимда иштирок этаётган ҳайдовчилар, хизмат кўрсатиш ташкилотларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги, ўрим-йиғим отряди аъзолари ғаллазорларнинг бошида дам олиши, овқатланиши учун ҳамма шароитларнинг муҳайё этилгани туфайли майдонлардаги ғалла нес-нобуд қилинмай йиғиштириб олинмоқда.

Олд айвони қуёш чиқиши томонга қилиб қурилган дала шийпони деворида экинзор орасида елкасида кетмон, бир қўлида тарвуз билан оппоқ соқолли мўйсафиднинг тасвири. Бободеҳқон худди дала ичидан чиқиб келаётгандай...

Германияда муҳим учрашувлардан олдин башоратчи саккизоёқ — Паульга мурожаат этиш одати бор. Бунинг учун саккизоёқ олдига иккита қутича қўйилади. Қутичаларга терма жамоа давлат байроқлари акси туширилган бўлади. Саккизоёқ танлаган қутича — жамоа ғолиб бўлади.

сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда

Андижон Вилояти

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ, ЭКСПОРТГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг маҳсулотлари хорижда ҳам харидоргир. Корхона жорий йилнинг биринчи ярмида 13 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотни экспортга чиқарди.

Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилингани импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар сифатини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Корхонада янги дастгоҳларнинг ўрнатилиши билан дала алоқа кабелларини бир пайтнинг ўзида эшиш имконияти юзага келди ва сифати ортди. Шунингдек, компьютерларга ишлатиладиган симларни замонавий усулда қайта ўраш йўлга қўйилди.

СУРАТДА: *Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг цех оператори Адҳам Мирзаев.*
Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Куннинг муҳим воқеалари

"Бухоро" халқаро аэропорти ўтган йили халқаро "Аэропорт" ассоциацияси томонидан МДҲ мамлакатлари ўртасида энг яхши аэропорт, деб топилган эди. Яқинда "Бухоро" халқаро аэропорти 2009 йилги кўрсаткичлари учун мазкур ассоциация ташкил этган навбатдаги танловда "Барқарор ривожланаётган аэропорт" номинацияси бўйича ғолиб чиқиб, соврин билан тақдирланди.

Қўқон шаҳрида "Болалар орзуси" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Мазкур қўшма корхона 585 минг АҚШ долларлик замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Болалар учун пойафзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада айни пайтда 18 турда сифатли маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Тошкентда "Банд бўлмаган аёлларни бичиш-тикишга ўқитиш" халқаро лойиҳаси асосида ташкил қилинган янги ўқув маркази очилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) ва Швейцариянинг "Bernina International AG" компанияси кўмагида "Bernina-Tikuvmash" масъулияти чекланган жамияти иштирок этмоқда.

Гулистон шаҳрида «Ёш мутахассисларнинг электрон тақдимоти» кўрик-танлови ўтказилди.

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ — СОЦИАЛ СИЁСАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Ушбу Дастур давлатимиз раҳбарининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси — ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009- 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 4 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган эди.

Мухокама асносида 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини бажариш юзасидан иқтисодиётнинг реал тармоқларида ва мамлакат ҳудудларида қатор ишлар олиб борилганлиги қайд этилди. Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, Дастурнинг прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ажратилган кредит маблағлари миқдори 2 миллиард 143 миллион сўмдан ошган.

Алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 132,1 мингта, уй меҳнатининг барча шаклларини, жумладан, косибчилик ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш ҳисобига 101,7 мингта, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқаларга ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 59,4 мингта иш ўрни яратилди.

Кенгаш мажлиси иштирокчилари жорий йилнинг беш ойида яратилган жами иш ўринларининг 91,4 мингтаси Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури доирасида ташкил этилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Биргина уй-жой қурилишини ривожлантириш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш дастурини бажариш ҳисобига 42 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.

Иш ўринларини ташкил этишда банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тиклаш, кенгайтириш ва ривожлантиришга, янги корхоналар барпо этишга ажратилаётган кредит маблағлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига сафари чоғида Қирғизистонда содир этилган воқеалар бўйича берган баёнотига давлат, сиёсат, ишбилармон, эксперт ва таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларидан кўплаб фикрлар ва шарҳлар келиши давом этмоқда.

Ажай ПАТНАИК, Ж.Неру номидаги университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш дастури директори (Ҳиндистон):

"Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар нафақат ушбу мамлакат, балки Марказий Осиёнинг барча давлатлари учун ҳам синов бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундай ўта мураккаб вазиятда ўзининг мустаҳкам иродаси, юксак инсоний қадр-қимматини намоён этди, ҳис-туйғуларига эрк бермади, энг юксак таҳсинга сазовор бўлган сиёсий донолик ва узоқни кўра билиш фазилатларини намойиш қилди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, айнан Президент Ислом Каримовнинг позицияси беқарорлик кўламининг кенгайишига йўл қўймади. Ўзбекистон бундай вазиятда тезкорлик билан ўз чегарасини очиб, қўшни давлатдан 100 мингдан ортиқ қочқинларни ўз ҳудудида қабул қилгани, уларни жойлаштиргани, тиббий хизмат, озиқ-овқат таъминоти, маънавий-руҳий ёрдам кўрсатишни ташкил этгани — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг том маънода, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг кафолати эканини кўрсатди.

Бу воқеалар Ўзбекистон ҳар қандай шароитда ўз иқтисодиётини барқарор ривожлантираётганини, айни вақтда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаётганини яна бир бор исботлади. Минтақадаги бошқа бирон-бир давлат бу каби ўта мураккаб муаммони бунчалик тез ва самарали ҳал эта олишига мен ишонмайман.

Шуни таъкидлашни истардимки, кўрқувдан ўз уйларини ташлаб, ўқлар овози даҳшат солмаётган, хунрезлик ва зўравонликлар рўй бермайдиган Ўзбекистон ҳудудига ўтаётган хотинқизлар ва болаларга ўзбек ҳарбийлари ёрдам бераётган видеолавҳаларни телевидение орқали кўриб, қаттиқ ларзага тушдим. Ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган ушбу кадрлар дунёнинг барча телеканалларида намойиш этилгани муҳим аҳамиятга эга. Бутун дунё ўзбек халқининг саховати ва меҳр-шафқати, мурувватининг чексизлигига гувоҳ бўлди.

Пировардида шуни таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримовнинг, Қирғизистонда рўй берган воқеалар — бу минтақадаги вазиятни издан чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган қабиҳ кучларнинг пухта режалаштирилган хатти-ҳаракатидир, деган сўзларини қўллаб-қувватлайман".

Ж.ЛИППЕР, Европа халқаро муносабатлар институти вице-президенти, сиёсат фанлари профессори (Бельгия):

"Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қўшни мамлакатда содир этилган воқеалар миллатлараро можаро эмас, балки бу қўпорувчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган, деган фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистоннинг ушбу воқеаларга нисбатан оғирвазмин ва амалий позициясини юксак баҳолайман".

Экспертнинг фикрича, Қирғизистондаги вазият мураккаб ва қалтислигича қолмоқда. Шу муносабат билан халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти мажоронинг тақ-муносабати билан Ўзбекистон танлаган позиция мутлақо тўғри ва оқилона эканлигини таъкидлади. Эксперт давлатимиз раҳбари ўзини фавқулодда масъулиятли сиёсатчи сифатида намоён этганини таъкидлади. Европанинг кўплаб етакчи сиёсатчилари ва расмий доиралари вакиллари ҳам ана шундай фикрда.

Х.Байз Ўзбекистон томонидан қирғизистонлик қочқинларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни юксак баҳолади. "Дастлабки кунларда Ўзбекистон ўз давлат бюджетидан ғоят катта миқдорда маблағлар ажратди, ўзбек халқи ҳам бефарқ қараб турмади, қочқинларга зарур ёрдам кўрсатди".

Роҳан ГУНАРАТНА, С.Ражаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби ҳузуридаги Сиёсий зўравонлик ва терроризмни ўрганиш бўйича халқаро марказ директори, профессор (Сингапур):

"Қирғизистонда содир этилган фожиадан бутун жаҳон ҳамжамияти катта хавотир ва ташвишга тушди. Бўлиб ўтган воқеалар таҳлили амалга оширилган хунрезликлар олдиндан пухта режалаштирилган ва уюштирилганини кўрсатди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг, бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган қўпорувчилик ҳаракатидир, деган фикрларини қўллаб-қувватлар эканман ва уларни уюштирганларнинг якуний мақсади Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариш бўлганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистон раҳбари ўзининг узоқни кўра билиш қобилияти ва бой сиёсий тажрибаси туфайли минтақадаги қалтис вазиятнинг ёйилиб кетишига йўл қўймади. Ўзбекистон қочқинларга ўз чегарасини очиб, уларга зарур биринчи ёрдамни кўрсатди, минтақада ўзининг етакчи давлат, шунингдек, тинчлик ва барқарорликни сақлаш тарафдори эканини яна бир бор намоён қилди".

(Давоми 2-саҳифада)

Дил изҳори

Саховатли инсонлардан миннатдормиз

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ногирон, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келиняпти. Буни бизнинг оила мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундан икки йил бурун турмуш ўртоғим йиқилиб тушиб, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолди. Оқибатда рўзғор тебратишимиз мушкуллашди. Болалар ёш. Ака-ука, оғайнилар, қўни-қўшни ва маҳалла фаоллари қараб туришмади. Имкон қадар бизга кўмаклашишди. Уларга катта раҳмат.

Бошимизга тушган кунлардан шуни тушуниб етдимки, давлатнинг мадади алоҳида аҳамиятга эга экан. Жамиятимиз шунчалик саховатли, шунчалик бағрикенгки, ҳеч бир фуқарони ногиронлиги ёки бошқа нуқсони учун четга суриб қўймайди. Аксинча, йиқилганни суяйди, адашганга тўғри йўл кўрсатади, муҳтожларга мадад беради. Турмуш ўртоғимнинг анча йил ишлагани ҳисобга олиниб, ногиронлик нафақаси белгиланди.

Элпарвар раҳбарлардан миннатдорман ва уларга оиламиз номидан ташаккур билдираман. Турмуш ўртоғимнинг ногирон бўлиб қолганини ҳамда кам таъминланган оила эканимизни инобатга олишиб, туман раҳбарлари ва "Маҳалла" жамғармаси фаоллари рўзғоримизга бир бош сигир ҳадя қилишган эди. Шу сигир туққанига икки ойча бўлди. Болаларимнинг оғзи оқликка тегди. Рўзғордан ортганини сотиб, қўшимча даромад ҳам кўряпмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, бемор бўлиб ётиб қолганингда қўни-қўшнилар ҳол-аҳвол сўрашса, ногирон бўлганингда нафақа беришса, болалари етишмовчиликни сезмасин, деб қорамол ҳадя қилишса, шундай саховатпеша юртда яшаётганимиздан фахрланамиз ва, эзгу ниятли инсонларга катта миннатдорчилик билдирамиз.

Ҳайитой БОЙМУРОДОВА, Узун туманидаги Меҳнат маҳалласида яшовчи фуқаро.

Фарғона Вилояти

Фарғона шаҳрида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

"Ягонасан, муқаддас Ватан!"

ҚАЛБГА ЯҚИН ҚЎШИҚЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий санъатимизни ривожлантириш, ёш иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Энг яхши қўшиқ — бу Ватан ҳақидаги қўшиқдир, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Исроилжон Раҳимов. — Шунинг учун ҳам мазкур танлов ёшларимиз ўртасида катта нуфузга эга. Жорий йилда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида тўрт юз нафарга яқин хонанда она юрт, истиқлол ва бунёдкорлик тараннум этилган қўшиқлари билан иштирок этди.

Танловда биринчи ўринни Ўзбекистон туманидан Боқижон Мадумаров эгаллади. Тошлоқ туманидаги "Чоргоҳ" катта ашула гуруҳи иккинчи, сўхлик Абдумутал Ҳалимов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидаги ҳамда шу йўналишдаги вазирлик ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Хал[illegible], "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Аднан СУЕР, "TRT-Avaz" телеканали мувофиқлаштирувчиси (Туркия):

"Журналист сифатида Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистондаги воқеалар бўйича Президент Ислом Каримов томонидан баён қилинган позицияси Марказий Осиёда рўй бераётган жараёнларни, Ўзбекистоннинг етакчи давлат сифатида минтақада хавфсизлик ва барқарорлик учун масъулиятни чуқур ҳис этишидан далолатдир, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон шуҳратпарастлик шиори билан эмас, балки яхши қўшничилик, минглаб одамлар ҳаёти учун жавобгарликка асосланган соғлом фикр билан йўғрилган оқилона ва оғир-вазмин сиёсатни амалга ошираётганини яна бир бор намоён қилди".

Айфер АКСУ, "Global Yorum" Интернет нашри бош муҳаррири (Туркия):

"Қирғизистондаги воқеалар бўйича баёнот Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг донишмандлигини яна бир бор намоён этди. Ўзбекистоннинг мустақилликнинг дастлабки кунларидан намойиш қилиб келаётган тинчликсевар сиёсати унинг минтақадаги тарихий ролига тўла мос келади ва қардош ўзбек ҳамда қирғиз халқлари ўртасида ҳунарезликларнинг олдини олишга хизмат қилади".

Расим МУСАБЕКОВ, сиёсатшунос (Озарбойжон):

"Қирғизистон жанубидаги аянчли, ўнглаш имконини берадиган омиллар ҳисобланади".

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир этилган, ваҳшийлик, зўрлаш, болаларнинг, аёллар ва қарияларнинг ҳаётига қасд қилиш билан боғлиқ ваҳшиёна ҳолатларни ўз ичига олган оммавий жиноятлар ташқаридан туриб, узоқни кўзлаб ташкил этилган ва бошқарилган фитнадир, деган фикрларига тўла қўшиламан.

Бу фожиали кунларда бутун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда Қирғизистондан қочиб келган ўзбек миллатига мансуб бегуноҳ болалар, аёллар ва қариялар муҳофазага олинганини ва хавфсиз жойларга жойлаштирилганини кўриб турди.

Мен Ўш ва Жалолобод вилоятларида бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилар эканман, Президент Ислом Каримовнинг пухта ўйланган ва оқилона қарори бутун минтақани қамраб олиши мумкин бўлган мудҳиш уруш оловини ўчирди, деб айта оламан.

Қирғизистондаги ҳозирги вазият қалтислигини ҳисобга олиб, жиноятларни мустақил тергов қилиш ва барча айбдорларни жавобгарликка тортиш мақсадида халқаро комиссия ташкил этиш, айниқса, муҳимдир.

Мен Президент Ислом Каримов намоён этган, Ўзбекистон катта ҳарбий қудратга эга бўлишига қарамай, халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишга асосланган оқилона қарор ва жиддий ёндашувни юксак қадрлайман. Бу мардонавор азму қарор БМТ тизимидаги тузилмалар томонидан ҳам, АҚШ, Германия, Франция ва дунёнинг кўплаб бошқа етакчи давлатлари ҳукуматлари томонидан ҳам юксак баҳоланди».

Ролан БЛЮМ, Буш-дю-Рон минтақаси депутати, Миллий ассамблеядаги Франция-Ўзбекистон дўстлик гуруҳи раиси (Франция) ўз шарҳида, «қуролланган тўдаларнинг Қирғизистон жанубида, жумладан, Ўшда ва унинг атрофларида кам сонли ўзбек миллатига мансуб аҳоли жабр кўришига олиб келган зўравонликларини кескин қоралашини" таъкидлайди.

"Адолат албатта қарор топиши ва бу оммавий жиноятларни уюштирган айбдорлар қонун олдида муқаррар жавоб беришини таъкидлаб, одамларни ишонтирган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг оғир-вазминлигига таҳсинлар айтаман ва уни қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон раҳбари ўз халқини Ўзбекистон ҳудудига ўтган қочқинлар оқимини кўриб, қасос ўтида ёнмасликка чақирди. Қочқинларга тезкорлик билан ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди, жумладан, улар озиқ-овқат билан таъминланди, тиббий хизмат кўрсатилди, руҳан қўллаб-қувватланди.

Президент Ислом Каримов ўзининг тинчликпарвар инсон эканлигини, Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш ва минтақадаги халқлар тақдири учун жонкуярлигини яна бир бор намоён этди».

Ж.ДЕЛАПОРТ, Руан технология институти ҳуқуқшуноси, профессор (Франция):

«Ўзбекистон Президентининг Қирғизистондаги воқеаларга оид баёноти Ислом Каримовнинг оғир-вазминлиги, самимийлиги, донолиги ва қўшни мамлакатдаги вазиятни теран англашини яна бир бор намоён этганини таъкидламоқчиман.

Президент Ислом Каримовнинг Қирғизистондаги фожиали воқеаларни асло этник ёки динлараро можаро деб бўлмайди, деган фикрига тўла қўшиламан».

Малайзиянинг Халқаро ишбилармон аёллар уюшмаси президенти Норазиза БЎРҲОН Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистондаги воқеаларга оид баёнотини шарҳлар экан, қуйидагиларни қайд этади: «Ўзбекистоннинг оғир-вазминлигига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар томонлама пухта ўйланган ва кенг мушоҳадали баёноти Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлди, аҳвол янада ёмонлашиб, фожиали воқеалар бошқа мамлакатларга ёйилиб кетишининг олдини олди.

Ислом Каримовнинг баёноти ва ўтиш даври президенти лавозимига тасдикланган муносабати билан Р.Отунбоевага йўллаган табриги, шунингдек, оғир даврларда Қирғизистонни қўллаб-қувватлагани нафақат қирғиз халқи, балки бутун жаҳон жамоатчилигида Ўзбекистон Президентига нисбатан янада улкан ҳурмат-эҳтиром уйғотди».

Владимир МЕСАМЕД, Қуддус университети профессори:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг, ушбу қонли тартибсизликларда қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам айбор эмас, деган сўзларини чуқур ўйланган фикр, деб биламан. Ўйлайманки, Ислом Каримов, бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган кўпорувчилик ҳаракатидир, дер экан, мутлақо ҳақдир. Ўзбекистон Республикасини бу можарога тортмоқчи бўлдилар, лекин, кўриниб турибдики, бу ҳеч қандай натижа бермади. Менимча, ушбу можарога байналмилал тус беришга уринишнинг мутлақо фойдаси йўқ. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарининг «бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва халқнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади», дегани, шак-шубҳасиз, одилона сўзлардир».

Доктор Маҳмуд-ул-ҲАСАН ХОН, Покистон Марказий банки таҳлил бошқармаси етакчи эксперти, «Defence Journal» журналининг геосиёсат ва иқтисодиёт масалалари бўлими мудири:

«Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан Президент Ислом Каримов барча минтақавий иқтимоий-иқтисодий ва геостратегик можароли масалаларни тинч йўл билан, куч ишлатмасдан ҳал қилиш ғоясини илгари суриб келмоқда. Ўзбекистон Президенти миллий истиқлолнинг асл руҳини, давлат чегарасини ҳимоя қилиш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, тинчлик ва минтақавий тотувликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча фазилатларга эга узоқни кўзлаб иш юритувчи давлат арбобидир.

МДҲ мамлакатлари янги тарихининг қалтис бурилиш даврида Ўзбекистон раҳбари ўзининг оқилона сиёсати ва қатъий оғир-вазмин фалсафасининг ҳаётийлигини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов одилона иш тутди, тинчлик ва барқарорликни асраш учун жамоатчиликни зўравонликка қарши туришга чақирди. Зеро, кечиримлилик минтақани қутқариб қолиш йўлидир, ваҳшийлик ва интиқом билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Аксинча, бу янада баттарроқ тартибсизликлар, адоват ва норозиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ислом Каримов Қирғизистондаги шиддат билан ўзгариб бораётган сиёсий вазиятга аралашмаслик билан ўзининг буюк сиёсий арбоб эканлигини намоён этди.

Ҳақиқий йўлбошчилик фазилатларига эга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўш ва Жалолободдаги ўзбек миллатига мансуб бегуноҳ, ҳимоясиз аёллар ва болаларга қарши очиқчасига содир этилган ваҳшиёна жиноятларга нисбатан шошмашошарлик билан иш тутишдан тийилишни кўзда тутган оқилона позицияси минтақани мавжуд вазиятнинг янада оғирлашишидан қутқариб қолди.

Бу фожиали воқеалар ташқаридан туриб ташкил қилинган ва бошқарилган кўпорувчиликдир, деб таъкидлар экан, Ўзбекистон раҳбари мутлақо ҳақдир.

Президент Ислом Каримовнинг ўз вақтида берилган баёноти унинг доно давлат арбоби эканини яна бир бор исботлади».

Арсим ЗЕКОЛЛИ, ЕХҲТнинг Туркманистондаги маркази раҳбари:

«Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Президент Ислом Каримовнинг тинчликпарвар ташаббуслари доимо халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ўзбекистон Президентининг Қирғизистон жанубидаги воқеаларга оид сўнгги баёноти ҳам ана шундай эътирофга сазовор бўлди.

Қўшни мамлакатдаги вазият қанчалик кескин бўлишига қарамай, Ўзбекистон холис ва узоқни кўзловчи сиёсатини намойиш этиб, энг тўғри позицияни танлади.

Ўзбекистон Президенти, Қирғизистондаги воқеалар миллатлараро қарама-қаршилик эмас, балки можародан манфаатдор бўлган бузғунчи кучлар томонидан уюштирилган, деб жуда тўғри таъкидлади.

Болқонда миллатлараро тўқнашувлар минглаб одамларнинг қурбон бўлишига, миллионлаб одамларнинг уй-жойини ташлаб кетишига, давлатнинг парчаланишига, кўплаб вайронагарчиликлар ва одамларнинг азобуқубат чекишига олиб келганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон давлатининг Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш сиёсатига қатъий содиқлигини ва минтақа хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутишини жаҳон аҳлига яна бир бор намоён этди».

«Жаҳон» АА

Мавсум

Ғаллакорлар шижоати

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ғаллакорлари ҳозиргача давлатга 82312 тонна дон етказиб беришди. Бу — 215 комбайн унум билан ишлатилгани самарасидир.

Бу ютуққа Элликқалъа, Амударё, Хўжайли, Нукус туманлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Элликқалъа туманидаги "Элита-Тўрт яп", "Таҳир ули Бағибек", Кегайли туманидаги "Асқар", "Орзу", Нукус туманидаги "Баймурат-Хонзода", "Кердер-Оқманғит", "Қурбанбой заргар", "Исмоил бобо", "Турдибой қанғли", "Жайҳун", "Нукусбой Алиев", "Мақсат баймоқли", Хўжайли туманидаги "Финикс-Бағим", "Наргиза-замин" ва бошқа фермер хўжаликларида ҳосилдорлик юқорилиги эътиборга молик.

— Кегайли, Нукус ҳамда Элликқалъа туманларига 2621 тонна 6 хил ҳосилдор ғалла нави етказиб берилганлиги муҳим аҳамият касб этди, — дейди "Қорақалпоқдонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти дон тайёрлаш бўлимининг бошлиғи Маҳсудбой Жумамуратов. — Кимёвий ишлов бериш учун дорилаш ускунаси ва "Гумимакс — двойная сила" дорилаш препаратлари ўз вақтида етказиб берилди. Ғалла ҳосилини тўхтовсиз қабул қилиш бўйича "Шортанбой", "Кердер", "Кегайли", "Бўстон" ва "Қилчиноқ" дон қабул қилиш пунктларида ишлар талаб даражасида ташкил этилди.

Эндиги вазифа қолган ҳосилни ҳам нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишдан иборат.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

* * *

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИда ўрим-йиғим мавсумига пухта тайёргарлик кўрилгани, айниқса, МТП ва ММТПлар жамоалари, муҳандис-техник ходимларининг комбайнларни сифатли созлашгани, вилоят раҳбарияти ташаббуси билан комбайнчиларга, ўрим-йиғимда иштирок этаётган ҳайдовчилар, хизмат кўрсатиш ташкилотларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилгани, ўрим-йиғим отряди аъзолари ғаллазорларнинг бошида дам олиши, овқатланиши учун ҳамма шароитларнинг муҳайё этилгани туфайли 96 минг гектар майдондаги ғалла нес-нобуд қилмай йиғиштириб олинди.

Далалардан ҳозиргача йиғиб олинган ялпи ҳосил миқдори 491 минг тоннани ташкил этмоқда. Шунинг 257 минг тоннаси давлат омборларига етказиб берилди. Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун ғалласи бўлиқ бўлган майдонлардан 17,6 минг тонна ғалла уруғликка жамғарилди.

Денов, Музработ, Қизирик, Шеробод, Жарқўрғон туманлари ғаллакорлари эришаётган ютуқлар, айниқса, салмоқли. Денов тумани ғаллакорлари қарийб 55 минг тонна сара дон йиғиштириб, шунинг 31,7 минг тоннасини омборларга етказиб бердилар. Музработ тумани ғаллакорлари эса 58 минг тонна донни саранжомлаб олишди.

Эришилаётган ютуқларда ғаллачилик билан шуғулланган 3 мингдан зиёд фермер хўжаликлари аъзоларининг ҳиссаси катта. Вилоятда олтмиш, етмиш центнерчилар сафи олдинги мавсумларга нисбатан анча кўпайди. Денов туманидаги тадбиркор деҳқон Али Асомов етакчилик қилаётган "Асомов Али Мирзаевич" фермер хўжалиги аъзолари ҳар гектар майдондан 100 центнердан ошириб ҳосил олиб, ҳаммага ўрнак бўлди. Денов туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев бошлиқ "Лочин", "Ташаббус-2007" кўрик-танлови ғолиби Баҳриддин Дилов раҳбарлигидаги "Баҳриддин", Музработ туманидан Норқул Тиловов етакчилигидаги "Амирқулбобо", Қурбон Амирқулов етакчилигидаги "Хадича Раҳимова", Термиз туманидан Даврон Тўхтаев етакчилигидаги "Даврон" сингари ўнлаб фермер хўжаликларида ҳар гектар ғаллазордан 65-70 центнерлик хирмон кўтарилди.

Усмонали НОРМАТОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

* * *

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Аҳоли дастурхонининг нон ва нон маҳсулотлари билан тўкин бўлиши, мамлакат иқтисодий қудратини оширишга ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган Хоразм вилояти ғаллакорлари 150 минг тоннадан зиёд ғалла ғиштириб, 85000 тонна юқори сифатли донни давлат буюртмаси бўйича сотишди. Топширилган буғдойнинг 11.300 тоннаси уруғлик учун ғамлаб қўйилди.

Аввало, табиатнинг бу йил деҳқондан ўз саховатини аямагани – обиҳаётнинг мўллиги, шунингдек, минерал ўғит, ёнилғи таъминотида узилишлар бўлмагани, мутахассислар томонидан кўрсатилган йўл-йўриқларга амал қилингани ва кўп йиллик тажрибалар асосида ишлатилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Эришилаётган ютуққа Гурлан, Боғот, Хива, Хонқа туманлари фермерлари катта ҳисса қўшдилар. Гурлан туманидаги "Ганж", "ЕвроСФ", "Ҳайтиммат ота", Боғот туманидаги "Дилшод", Хива туманидаги "Фурқат", "Бобожон Бекжонов" фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 60-65 центнердан ошиб кетди.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ — СОЦИАЛ СИЁСАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Боши 1-саҳифада)

Аҳолининг бандлигини таъминлашда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Жорий йилнинг беш ойида республика бўйича 530 та шундай ярмарка ўтказилиб, натижада 62567 нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Айни вақтда, мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, Сенат аъзолари маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари билан биргаликда жойлардаги вазиятни ўрганиб чиқишлари натижасида мамлакатнинг айрим минтақаларида Дастурни бажаришнинг бир қатор кўрсаткичлари бўйича мавжуд муаммолар аниқланди. Хусусан, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг бир қатор корхоналари ва айрим минтақаларида янги кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига, Сурхондарё вилоятида вақтинча ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратишнинг прогноз параметрлари тўлиқ бажарилмаган.

Шу муносабат билан мажлис қатнашчилари Дастурнинг бажарилишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини чуқурлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Парламент аъзоларининг фикрича, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ўз сайлов округларида амалга ошираётган, ижобий натижалар бераётган депутатлик назорати анча кучайтирилиши керак.

Шунингдек, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва улар учун белгиланган қўшимча кафолатларнинг қонуний асосларда таъминланиши устидан депутатлар томонидан қатъий назорат олиб бориш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг депутатлик Дастурни бажариш борасидаги масъулиятини ошириш, касаба уюшмаларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иш ўринларини ташкил этиш соҳасидаги ролини кучайтириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, парламент аъзоларининг асосий вазифаларидан бири парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ижро этувчи ҳокимият, марказда ҳукумат ва жойларда ҳокимликлар томонидан қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат. Шу муносабат билан Сенат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг устувор вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган Ҳаракат дастурини ижро этишнинг боришини кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда Сенат ва ҳукумат аъзолари, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Самарқанд вилояти

Саратонда сара ишлаётганлар

Мамлакатимизда хотин-қизларни хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг оилада ва жамиятда мавқеини ошириш чора-тадбирлари ўз самарасини бермоқда. Самарқанд вилояти Нарпай туманида яшовчи Розия Маҳмудова фермерлик ҳаракати ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қишлоқ мулкдорларидан бири.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Розия Маҳмудова етакчилик қилаётган фермер хўжалигида ўттиз киши доимий иш билан таъминланган.

Жорий йилда «Розия Маҳмудова» фермер хўжалигининг 52 гектар майдонида пахта етиштирилмоқда. Хўжалик аъзолари 20 гектар майдондаги ғалла ўрим-йиғимини қисқа кунларда якунлаш чораларини кўришмоқда. Шу билан бирга, «Бухоро-102» навли ғўзани агротехник тадбирлар асосида парваришлашмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚАДИМГИ ФАРҒОНА МАДАНИЯТИНИ ИЗЛАБ

Фарғона водийсини Ўрта Осиёнинг жавоҳири деб бежиз айтмайдилар. Дарҳақиқат, Фарғона водийсининг гўзал табиати, бой ҳайвонот дунёси, мўътадил иқлими,серҳосил ерлари қадимдан одамларни ўзига мафтун этиб келган. Ўлкада бундан бир миллион йил аввал яшаган ибтидоий одамларнинг манзилгоҳи кашф қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Шу даврдан бошлаб ўлкада ҳаёт узлуксиз ривожланиб борган. Бронза даврига (мил. аввалги III-II минг йилликлар) келиб, бу ерда илк деҳқончилик маданияти қарор топган ва тез суръатлар билан ривожланган. Бу маданият фанда "чуст маданияти" номи билан маълумдир.

Чуст маданиятига мансуб энг йирик Далварзин ёдгорлиги Фарғона водийсидаги илк шаҳар ҳисобланади. Чуст маданияти соҳиблари деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлганлар. Улар тайёрлаган кулолчилик буюмлари ўзларининг юқори сифати, бежирим шакли ва ўзига хос нақшлари билан ажралиб туради.

Ўлканинг энг ривожланган воҳаларидан бири антик ва илк ўрта асрларга тўғри келади. Хитой манбарида қайд қилинишича, бу даврда Фарғонада 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар, юзлаб қишлоқлар мавжуд бўлган. Аҳоли асосан деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлган. Эътиборли томони шундаки, хитойликлар беда ва узум етиштиришни Фарғоналиклардан ўрганишганлигини қайд қилганлар.

Фарғона водийсида олиб борилган археологик тадқиқотлар, ўлканинг барча ҳудудларида қадимги ва илк ўрта асрларга оид шаҳар ва қишлоқларнинг харобалари мавжуд эканлигини кўрсатади. Мана шундай ёдгорликлар Охунбобоев туманида ҳам қайд қилинган. Шоҳмирзатепа, Гулчаман, Лангар, Писак, Оқтепа, Сополтепа, Култепа, Шаҳартепа, Усмонтепа, Қоратепа, Кўштепа каби қатор ёдгорликлар шулар жумласидандир. Бу ёдгорликлар Марғилонсойдан чиқарилган ариқлар атрофида, бир-бирларига яқин масофаларда жойлашган бўлиб, қадимда бу тепаликлар ўрнида бўлган қишлоқларнинг дала ва боғлари уланиб кетганлигидан гувоҳлик беради.

Дастлабки тадқиқотларга қараганда, бу ерда яшаган қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлишган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари шаҳарлардан харид қилинган. Бу ёдгорликларда олиб борилган археологик изланишлар ҳудудни, айниқса, илк ўрта асрларда кенг ўзлаштирилганидан, гуллаб яшнаганлигидан сўз очади. Хусусан, Писак ёдгорлиги шаҳар кўринишдаги қишлоқ харобаси бўлиб, унда ҳаёт илк ўрта асрлардан татар-мўғул босқинига қадар гуллаб яшнаган ва маълум даврларда бу шаҳар Марғилон билан рақобат қилган. Шаҳартепа ёдгорлигидан сопол идишга битилган энг қадимги туркий ёзув қайд қилинган. Тепаликлар ўрнида олиб борилган тадқиқотлар давомида топилган ашёвий буюмлар аҳолининг ривожланган моддий маданиятидан гувоҳлик беради. Айниқса, бу ерда топилган кулолчилик буюмлари ўзларининг бежирим шакллари билан ажралиб туради.

Илк ўрта асрларга оид ёдгорликлар орасида Кўштепа алоҳида ажралиб туради. Бу ёдгорлик аҳоли орасида Қамиштепа номи билан ҳам маълум. Ёдгорлик бугунги кунда майдони 1 гектардан ортиқ ясси тепаклик ва унинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган диаметри 80 метр, баландлиги 6 метрдан зиёд бўлган қўштепа кўринишида сақланиб қолган. Қўштепа майдони жиҳатидан ҳудуддаги энг катта ёдгорлик бўлиб, унинг топографик кўринишининг таҳлили уни кичик шаҳар ёки йирик бой деҳқон қароргоҳи деб тахмин қилишга асос бўлади. Тепаликнинг энг баланд қисмида қалъа ёки маҳобатли бино жойлашган. Олиб борилган дастлабки изланишларга қараганда, Кўштепа ва ҳудуддаги бошқа ёдгорликларда ҳаёт катта жангу жадал арафасида сўна бошлаган. Бунга нима сабаб бўлди? Масканга обиҳаёт бахшида этиб келган ариқларнинг қуриб қолишими ёки бошқа сабабми? Бугунги кунда бу саволларга аниқ жавоб бериш қийин. Лекин, шубҳасиз келажакда олиб бориладиган тадқиқотлар бу саволларга аниқлик киритади ва халқимизнинг теран тарихи билан боғлиқ янги зарваракалар кашф қилинади.

Ш.ПИДАЕВ, Санъатшунослик институти директори.

Сирдарё Вилояти

Оқолтин туманида фаолият кўрсатаётган "Оқолтин МС" масъулияти чекланган жамиятида 35 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

СИФАТЛИ ВА АРЗОН ЛИБОСЛАР

Корхонада 15 турдан ортиқ тикувчилик маҳсулотлари – аёллар ва эркаклар, болалар кийим-кечаклари, махсус иш кийимлари, элита қоплари, фартуклар тайёрланмоқда.

— Германиянинг замонавий тикув машиналарида тикилаётган иш кийимларига нафақат мамлакатимиз, балки хориж саноат корхоналаридан ҳам буюртмалар туша бошлади, — дейди корхона иш бошқарувчиси Шавкат Одилов.

Корхонада ўнга яқин қишлоқ аёллари касаначилик асосида меҳнат қилмоқда.

(ЎзА)

Наманган Вилояти

ШИЙПОНЛАРДА ҚАЛДИРҒОЧЛАР, ДАЛАЛАРДА ЛАЙЛАКЛАР

Хосиятли қушлар уйчилик фермерларнинг баракали хирмони даракчиларидир

Тушлик маҳали яқинлашиб, соат энди ўн иккидан ошган бўлса-да, ҳарорат одатдагидан баланд — чамаси қирқ даража. "Умид-2001" фермер хўжалиги дала шийпонига етиб келишимиз биланоқ автомашинамизни катта тол соясига тўхтатдик. Эни икки метрлар келадиган, сув тўлиб оқаётган ариқ устига узун стол ва унинг икки тарафига ўтирғич қўйилган бўлиб, бу жой нафақат иссиқдан сақланиш, бемалол овқатланиб, дам олиш имконини ҳам берар экан. Икки-уч қадам нарида чархпалак айланиб турибди, кўзаларидаги сув тарнов орқали ҳовузга тушмоқда. Гарчи бу ҳовузда нилуфар гуллари бўлмаса-да, атрофига экилган райҳон ва жамбиллар кишига яхшигина завқ бахш этиб турибди.

Сал нарироқдаги сўрида бир гуруҳ аёллар тушликни бошлашяпти. Мўъжазгина ошхона тарафдан иссиқ овқат ҳиди димоққа урилади.

Рўпарамиздаги ёши олтмишлар чамасида, сочларига оқ оралаган, гап-сўзидан қишлоқ хўжалиги сир-асрорларидан хабардорлиги шундоққина билиниб турган киши "Зарбол Навоий" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси Тоҳир ака Собиров экан.

Олд айвони қуёш чиқиши томонга қилиб қурилган дала шийпони деворида экинзор орасида елкасида кетмон, бир қўлида тарвуз билан оппоқ соқолли мўйсафиднинг тасвири. Бободеҳқон худди дала ичидан чиқиб келаётгандай.

— Расмда акс эттирилган табаррук инсон шу фермер хўжалиги раҳбари Элёрбекнинг боваси Хожимирзо ота Қирғизбоев бўлади, — дейди Тоҳир ака. — Ҳа, бу фермер хўжалигидагилар деҳқончиликнинг кўзини биладиган, ер билан тиллаша оладиганлар сулоласидан.

— 28 гектар майдонда ғалланинг "Таня" навини экиб парваришладик, — дейди Элёрбек Хожимирзаев. — Ҳар гектаридан 68 центнердан дон олдик. Контрактация шартномасида белгиланганидан ҳам орттириб давлатга дон сотдик. Ўттиз беш тоннадан ортиқроқ ғалла хўжалик аъзоларига тарқатилди.

Қалдирғочлар тиним билмай чуғурлашиб, шийпондаги уясидан бири учиб кетса, бири гир айланиб уясига қўнади.

— Қарангки, бу сафар шийпонимизга қалдирғочлар бешта ин қуриб, ҳар бири икки-уч нафардан полапонларини ҳам учириб улгуришди. Яна қувонганимиз ҳар куни буғдойдан бўшаган майдон ўртасига лайлаклар қўнади. Кексалардан эшитганимиз бор: ҳар икки қушнинг ташрифи хосиятли бўлар экан. Ҳар йили пахтадан ҳам, ғалладан ҳам рекордагидан анча юқори ҳосил оляпмиз. Ўтган йил якуни бўйича ўттиз саккиз миллион сўм соф фойда кўрдик. Иккита сигир, бешта новвос, товуқ ва ғозлар парвариш қилинмоқда.

Фермернинг автобуси ҳам бор. Иккита культивация, 1 та транспорт трактори, "Дамас" автомашинаси ҳам уларнинг оғирини енгил қилмоқда.

— Мана бу "Волга" отам раҳматли Исмоилжон Хожимирзаевдан бизга мерос бўлиб қолган, — дейди Элёрбек. — Падари бузрукворим шу машинани жуда яхши кўриб дала ишларини бажариш учун ҳайдаб юрардилар... Энди бахтимизга онажонимиз соғ бўлсин.

Элёрбекка бир зум ҳавас билан нигоҳ ташладиму хаёлимдан шу фикрлар ўтди: "Ҳақиқий фарзанд шунақа бўлади".

Чорак асрлик журналистлик фаолиятимда шу нарсага амин бўлдимки, ота-онасининг дуоларини олишга муяссар бўлганлар билан суҳбат қилиш бир завқ берса, улар ҳақида ёзиш ўн завқ беради.

Ҳамроҳим туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Комил Холдоров билан ча ўттиз саккиз миллион сўм соф фойда кўрдик. Иккита сигир, бешта новвос, товуқ ва ғозлар парвариш қилинмоқда.

"Файрат саховати" фермер хўжалигидамиз. Фермер хўжалиги дала шийпони бинолари бадавлатгина бир оиланинг хонадонини эслатади.

Шийпонга кираверишда хитойча усулда эни беш, узунлиги йигирма метрли иссиқхона тайёрлаб қўйилибди. У жойга ҳозир сабзавотлар экишибди. Шийпоннинг кунботар томонида ҳайбатидан ҳайратга тушадиган жуда катта ёнғоқ дарахти. Унинг меваларига қараб кўз тўймайди.

— Бу ёнғоқ кексаларнинг айтишича, бундан олтмиш йил аввал экилган экан, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ислом Аҳмаджонов. — Ҳар йили 800-900 килограмм ҳосил оламиз.

Бунақанги катта ёнғоқларни Арслонбоб томонлардаги тоғларда кўрган эдим...

Шийпоннинг орқа томонида ҳовуз. Атрофида оқ-қизил атиргуллар чаман-чаман бўлиб очилиб турибди.

— Ҳовуздаги балиқлар кузга бориб ҳар бири бир килограмм тош босадиган бўлади, — дейди Ислом Аҳмаджонов.

Ҳовуз ёнидаги арикда ўрдаклар сузиб юрибди. Нариги томони боғ. Шийпоннинг атрофида водийда ўсадиган мевали дарахтларнинг деярли ҳаммасидан бор.

— Дала шийпони эмас, оромгоҳ-ку, ҳаво ҳам мусаффо экан, — сўз қотдим ҳамроҳимга.

— Чортоқ тоғлари яқин-да, шу сабабли ҳавоси тоза ва бир мунча салқинроқ бўлади— дейди Комил ака Холдоров.

— Она еримиз ҳам "Файрат саховати" азаматларига саховат кўрсатаётгандир, — лутф билан савол берамиз фермерга.

— Тўғри айтдингиз, — деб фикримизни тасдиқлайди у. — 32 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 77 центнердан дон ўриб олдик. Бу режадаги кўрсаткичдан деярли икки марта кўп дегани. Хўжалигимиз аъзоларига 95 тонна дон қолди.

Фермер хўжалиги раҳбари Ислом эндигина йигирма саккиз ёшда бўлса-да, тажрибали деҳқонлар йўлини тутиб, доимо пешқадамлар қаторида экан. Ҳисоб-китоблари ҳам иқтисодчиларникидақа. Ўтган йили хўжалик қирқ миллион сўм соф фойда олди. Ҳозир 2600 та товуқ боқилмоқда. Тўртта қорамоли бор. Техникалари ҳам етарли. Голландиядан келтирилган картошка уруғларини олибди. Кузги картошка экмоқчи.

Тадбиркор фермер Ислом Аҳмаджонов билан қилган мулоқотлардан шундай хулосага келдикки, унга ўхшаган ёшларга катта умид боғлаган туман ҳокими Муҳиддин Валиев жуда тўғри йўлни танлабди.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-текшириш институтининг Наманган филиали олимлари билан "Охунбобоев омад" фермер хўжалиги ҳамкорликда икки гектар майдонда бир йил мобайнида икки марта ҳосил олиш технологиясини ишлаб чиқариш шароитида синаётган жойдамиз. Уйчи — Учқўрғон йўли ёқасида жойлашган фермер хўжалиги ҳудудида ажиб манзарага дуч келдик. Пахтазорга туташиб кетган тутзор оралиғидаги майдонларга помидор, ловия, булғор қалампири, бодринг, картошка экилибди. Майдоннинг бир чеккасидаги ошқовоқлар катта-катта бўлиб пишай деб қолибди. Ҳатто, чеканка қилоа ҳам бўлаверадиган даражага келиб қолган гўза қатор ораларининг ишлов берилмайдиган эгатига мош экилибди. Нозикки-на мош кўчатлари бир қарични бўлибди.

— Олимлар билан биргаликдаги бу тажриба шарофати билан ҳар гектар майдондан 800 минг сўмгача қўшимча даромад олиш имкони бор, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Йўлдошев. — 23 гектар ғаллазордан ҳам мўл ҳосил олинди. Ҳар гектардан 70 центнердан дон йиғиштирдик. Ҳар бир сувчига 1200, аъзоларга 400 килограммдан ғалла берилди. Шундан 700 килограмми мукофот тариқасида, 300 килограмми арзон нархда тарқатилди. Аъзоларимизга эса 500 килограммдан буғдой ажратилди.

Ҳа, Уйчи тумани фермерлари бугун ёруғ юз билан ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлашни ниҳоясига етказиш арафасида. Эртанги кун ҳосилига ҳозирданоқ пухта замин яратилишини улар яхши билишади.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

Қашқадарё Вилояти — ● Эътироф

Ўзбекистонлик ноширлар ютуғи

Яқинда "Маънавият" нашриётида чоп этилган "Ўзбекистон табиати: Қашқадарё" китоб-альбоми Россия пойтахти Москвада ўтказилган "Китобат санъати-2010" халқаро кўрик-танловида алоҳида эътироф қилиниб, "Менинг Ватаним" номинациясида учинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Халқаро кўрик-танлов ҳайъати аъзоларининг таъкидлашича, танловга МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида нашр этилган юзлаб китоблар тақдим қилиниб, уларни баҳолаш чоғида мазмуни, дизайни ва илмий-оммабоп маълумотлар даражаси, шунингдек, китобларнинг ноширлик нуқтаи назаридан сифати ҳамда ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ҳисобга олинган. Шу жиҳатдан ўзбекистонлик ноширлар халқаро танловнинг бешта номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. "Ўзбекистон табиати: Қашқадарё" китоб-альбомида мамлакат ҳаётининг муайян жабҳасини тўлақонли акс эттира олганлиги учун "Менинг Ватаним" йўналишида совриндор ўринга сазовор бўлди. Эътиборли томони шундаки, мазкур китоб-альбомнинг эстетик жиҳатдан ҳам, мазмунан ҳам юқори савияда чоп этилишига воҳада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳиссаси бор десак, адашмаган бўламиз. Зеро мазкур нашр вилоятда ўтказилган экологик шанбаликдан тушган маблағ ҳисобидан чоп этилган.

Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Қашқадарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамкорлигида нашрга тайёрланган ушбу китоб-альбомни тақдирлаш маросими жорий йилнинг сентябрь ойида Москва халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси доирасида ўтказилади.

Ҳусан ТЕМИРОВ

Наманган Вилояти — ● Тадбиркорлик

Халқимиз орасида "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" деган ҳикматли ибора юради. Чуст туманидаги "Умид" фермер хўжалигининг бошлиғи Адашбой Абдуназаров ҳам ишнинг кўзини билиб меҳнат қилаётган тадбиркорлардан бири десак асло хато бўлмайди. Чунки жорий йилдан бошлаб, мазкур фермер хўжалиги негизида яна битта "Набижон ота балиқчи" фермер хўжалигига асос солинди.

Балиқчилик — қўшимча даромад манбаи

— Отам раҳматли қирқ йилдан ортиқ "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида механизаторлик касбида меҳнат қилганди, — дейди Адашбой Абдуназаров. — У кишининг кўпчилик орасида "Набижон балиқчи" деган қўшимча номлари ҳам бор эди. Чунки бизнинг Резаксой қишлоғи Сирдарё қирғоқларида жойлашган. Шу боис отам ҳам ишдан бўш вақтларини асосан овчилик билан ўтказган.

"Набижон ота балиқчи" фермер хўжалигини ташкил этишдан мақсад, — фикрини давом эттиради фермер, — халқимизнинг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Шуни эътиборга олиб, фермер хўжалигимиз экин майдонларининг этак тарафларида ташландиқ ерларни ўзлаштириб, балиқ боқадиган кўлчалар ташкил этдик. Айни кунларда мазкур кўлларда сазан, оқ амур балиқлари боқиб, парваришланмоқда. Жорий йилнинг ўзида халқ истеъмоли учун тўрт тоннадан ортиқ балиқ маҳсулотлари етиштиришга қарор қилганмиз.

Дарвоқе, "Умид" фермер хўжалиги кенг қамровли жамоалардан бири бўлгани боис, мазкур хўжаликда деҳқончилик, чорвачилик, пилла-чилик ҳамда паррандачилик соҳалари йилдан-йилга ривож топиб бормоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Андижон Вилояти — Қайта ишлаш саноати

ТОЛА СИФАТИ — САМАРАДОРЛИК КАЛИТИ

Шу кунларда пахта тозалаш корхоналари мавсумни якунлаш палласига қадам қўймоқда. Бўз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда яқин ўн беш кун ичида ўтган йилги ҳосилни қайта ишлаш якунига етишидан хабардор бўлдик. Жамият раиси Адҳамжон Мақсудовнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мавсум аввалги йилларга нисбатан ижобий ўзгаришлар билан якунланиши кутилмоқда.

— Фермерларимиз ўртасида юқори сифатли пахта хомашёси тайёрлашга бўлган интилиш йилдан-йилга ортмоқда, — дейди Адҳамжон Мақсудов. — Натижада қабул қилиб олинаётган хомашёдан белгиланган миқдордан зиёд тола ва бошқа иккиламчи маҳсулотлар олинмоқда. Айниқса, табиий иқлим шароитига мос гўза навлари парвариши йўлга қўйилаётганлигидан фермерлар ҳам, қайта ишловчилар ҳам бирдек манфаатдор бўлишаётир. Жумладан, ғўзанинг маҳаллий селекцияга мансуб "Андижон-35" нави аксарият фермерлар эътиборини жалб қилмоқда. Ушбу навнинг парваришини тўлиқ агротехника талаблари даражасида олиб бораётган фермерлар етиштираётган пахта хомашёсининг қарийб 90-100 фоизи биринчи навга қабул қилинмоқда. Юқори навдаги хомашё, албатта, шунга яраша тола беради.

Бош иқтисодчи Абдумалик Ўринбоевнинг эътироф этишича, ҳозирда юқори сифатли тола бериш бўйича "Андижон-35" ғўза нави энг яхши кўрсаткичга эга. Ундан олинаётган тола миқдорининг юқорилиги ва энг муҳими харидоргирлиги, ўз навбатида, корхонанинг кўпроқ фойда кўришига омил бўлмоқда. Режа бўйича биринчи нав хомашёдан 32,9 фоиз тола олиниши белгиланган, амалда эса 34,1 фоизни ташкил этмоқда. Худди шундай натижалар қуйи навларда ҳам мавжуд. Олинаётган жами тола кўрсаткичи эса ҳиссадорлик жамияти бўйича режага нисбатан 1 фоиз кўп бўлмоқда. Шу кўрсаткич ортида эса ҳозиргача корхонада 260 тоннадан зиёд тола олинганлиги намоён бўлади. "Сифат" маркази мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, корхонада тайёрланаётган толанинг кўп қисми хорижлик мижозларга сотилмоқда. Мавсум бошидан то ҳозирга қадар корхонадан тола харид қилган компанияларнинг бир-портасидан ҳам сифат кўрсаткичлари бўйича эътирозлар бўлмади. Шунинг ўзидан ҳам бу ердаги иш жараёнида масъулият ҳисси нақадар юқори даражада туришини англаш мумкин.

Хомашёни қайта ишлаш жараёнида ҳар бир участка ишчилари ҳамда мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ислом Султонов, Ислом Мирзаев каби ишлаб чиқариш усталари етакчилик қилаётган бригадаларнинг ишчилари ҳамиша корхонанинг фахри бўлиб келишмоқда. Машина-механизмларнинг бир маромда ишлатилишида созловчи ва тозаловчиларнинг ҳам иштироки алоҳида ўрин тутади. Маҳсулотлар сифатини назорат қилишда эса Азизахон Ҳамроқулова, Донохон Ҳамдамова каби лаборатория ходимлари ҳамиша синчков иш юритишади.

Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва тежамкорлик масаласига жиддий ёндашув мавжуд. Жумладан, сим, ўроп материаллари, электр энергияси ва ёқилғи ишлатишда сарф-харажат мўлжалдагига нисбатан иқтисод қилинмоқда. Ҳозиргача бу борадаги ижобий кўрсаткич 40 миллион сўмдан ортди.

Фермерлик ҳаракати бошлангандан буён ҳиссадорлик жамияти жамоаси улар билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўнлаб фермерларга юқори маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган қорамоллар марказлашган тартибда олиб берилди. Фермер хўжаликларида боқилаётган ва тухум олинаётган 6 мингдан зиёд паррандани парвариш ҳам мазкур корхона кўмагида ташкил этилган.

2009 йил пахта ҳосилини қайта ишлаш якунловчи паллага кирган бир вақтда фермерларнинг далаларида иш қизиғандан қизимоқда. Бундай тиғиз чоғда қайта ишловчилар фермерларга ҳар томонлама мадад беришаётир. Фойдали ҳашаротлар етиштиришни кўпайтиришда, кузатувчилар ишини мувофиқлаштиришда ҳиссадорлик жамияти жамоаси фаол иштирок этаётир. Ғўза ҳосил тўплашга интенсив киришган паллада зараркунандаларга қарши кураш самарадорлиги ортган сари юқори навдаги хомашё етиштиришга шароит яратилади. Буни яхши англаган қайта ишловчилар тумандаги барча фермер хўжаликлари билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришмоқда.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ОБОД БИНОЛАР БЎЙ КЎРСАТДИ

Оролбўйидаги Нукус шаҳри Мустақиллик йилларида ўзгача чирой касб этди.

Баркамол авлод йилида ҳам Нукусда бунёдкорлик ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Жумладан, М.Жуманазаров ва Дўстлик гузари кўчаларининг чорраҳасида жойлашган 2 та 3 қаватли турар-жойларни кўриб битказиш поёнига етмоқда. Умумий қиймати 2 миллиард 520 миллион сўм бўлган мазкур иншоотларда "Нукускурилиш", "Бунёдкор", "Давр", "Қозонкетганкурилиш" ва "Амударёкурилиш" акциядорлик жамиятлари жамоаларининг кўли гул бинокорлари томонидан пардозлаш ишлари сифатли тугалланди. Айни пайтда иморатларнинг биринчи қаватида мини-маркет ва бошқа муҳим сервис хизмати кўрсатадиган аҳоли учун зарур шохобчалар барпо этилмоқда.

Бу турар-жойларда мамлакат Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида 78 оила ҳовли тўйлари ўтказишади.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ

Давлат-тижорат Халқ банки

Сиз учун диққатга лойиқ "Мўъжиза" омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатга йиллик 16 % миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шу билан бирга омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдиғига 4 % бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Хизматлар лицензияланган

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрида «Жисмоний баркамоллик – гўзаллик рамзи» шиори остида бадиий гимнастика фестивали бўлиб ўтди.

МАЛИКАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда шаҳар, туман босқичида муваффақиятли қатнашган беш ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 150 нафарга яқин қизлар иштирок этди.

— Муассасамиздаги бадиий гимнастика тўгараги машғулотларида юз нафардан зиёд қизлар қатнашмоқда, — дейди Пахтачи туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббияси Муаттар Қодирова. — Илгари ушбу тўгаракка қизларни жалб этиш бироз қийинчилик туғдирган бўлса, ҳозир ота-оналарнинг ҳам, қизларнинг ҳам бу спорт турига қизиқиши ортиб бормоқда.

Фестиваль якунида Самарқанд вилоят олимпия захиралари тайёрлаш маркази гимнастикачи қизлари ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Самарқанд шаҳар вакилалари ва учинчи ўрин каттақўрғонлик қизларга насиб этди. Қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

Номига монанд Юксалиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Касби туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буни тумандаги Юксалиш қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Юксалиш қишлоғи мисолида ҳам кўриш мумкин. Касби-Жейнов автомобиль йўли бўйлаб қад ростлаган, бир-биридан чиройли, замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган турар-жой биноларини кўриб, кўзингиз қувнайди.

— Қишлоқ аҳлига кўрсатилган бу беқиёс ғамхўрликдан ғоят мамнунмиз, — дейди қишлоқ мулкдори Шавкат Қурбонов. — Наврўз байрами арафасида янги уйга кўчиб ўтдик. Олти хонали, барча шарт-шароитларга эга янги уйда роҳат қилиб яшаяпмиз.

— Яшаш шароитинг яхши бўлса, ишда ҳам унум бўлар экан. Бу йилги дон хирмонимиз ҳар қачонгидан баракали бўлди. Ғўзанинг ҳам ривожи яхши, — дейди «Ўзбекистон Қаҳрамони Файбулло Раҳмонов» фермер хўжалиги раҳбари Ғолиб Раҳмонов.

— Биринчи навбат бўйича ушбу қишлоқда 20 та турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бош пудратчи — "Очилов Қодир Нодирович" махсус қурилиш корхонаси қисқа муддатда бир миллиард 182 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Лойиҳа бўйича маҳалла гузари, озиқ-овқат, саноат моллари дўконлари, маиший хизмат уйи, кичик спорт майдончалари бунёд этилди.

— Айни пайтда туманимиздаги Юксалиш қишлоғи билан бирга Комилон қишлоғида ҳам турар-жой бинолари қурилишининг кейинги навбати уюшқоқлик билан давом этяпти. Юксалишда 15 та, Комилонда 20 та хонадонга мўлжалланган турар-жой бинолари мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади, — дейди туман ҳокими Фурқат Шарипов.

Баракали меҳнати ортидан ҳузур-ҳаловат топиб яшаётган қишлоқ аҳлининг қувончи чексиз. Зеро, юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги фидойи инсонларнинг тинимсиз меҳнати маҳсули эканлигини улар яхши англайдилар ва ўзлари ҳам эл-юрт равнақи йўлида фидойи бўлишга интилиб яшайдилар.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

СПОРТ

Ўзбекистоннинг ФУТБОЛ назорат ўйинлари

Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу йилнинг 7 сентябрь — ФИФА кунида Таллин шаҳрида Эстония миллий терма жамоаси билан назорат учрашувини ўтказади.

Бундан аввал эса, 11 август куни Вадим Абрамов шогирдлари Тиранада Албания термаси билан куч синашадилар. Бу борада ҳар иккала футбол федерациялари ўртасида келишув амалга оширилган.

Паульнинг башоратини Пуйоль исботлади

Испания — финалда

Германияда муҳим учрашувлардан олдин башоратчи саккизоёқ — Паульга мурожаат этиш одати бор. Айтишларича, бу жонивор башоратларида шу кунгача бирон марта хатолик бўлмаган. Бунинг учун саккизоёқ олдига иккита қутича қўйилади. Қутичаларга терма жамоа давлат байроқлари акси туширилган бўлади. Саккизоёқ танлаган қутича — жамоа голиб бўлади.

Жаҳон чемпионати ярим финалида "бундестим" "Испания армадаси"га қарши тўп сурди. Испания терма жамоаси авваллан мусобақанинг фаворити сифатида эътироф этилган бўлса, Германия мусобақа давомида фаворитга айланди. Жамоанинг бир учрашувда тўрттадан гол киритиши ва ҳимоядаги ишончли ўйини бунга асос бўлди. Испания терма жамоасининг асосини Евро-2008 мусобақасида иштирок этган футболчилар ташкил қилган бўлса, Германия терма жамоаси таркибида жаҳон чемпионатида ёшлар — янги номлар порлади. Германия уларнинг иштиёқи ёрдамида Испаниядек кучли, яхши шаклланган жамоа тўсиғидан ўтиб олишни умид қилганди. Аммо...

Германия ва Испания терма жамоалари ўртасидаги ўйинда замонавий футболнинг юксак намунаси намойиш этилди. Айниқса, Испания термаси ижросидаги футбол кўпчиликка манзур бўлди. Тўп билан муомала қилиш, уни бирбирига узатиш, ўйинни назорат қилиш, жамоавий ҳимоя ва ҳужумга ўтишда ушбу юрт вакиллари жуда яхши ҳаракат қилди. Аввалги ўйинларда бироз ишончсизроқ кўринган бўлса-да, Германия билан ўйинда Испания кучли ўйин намойиш эта олишини кўрсатди. Тўпни тўлиқ назорат қилиб, германиялик футболчиларни ўйиннинг аксар вақтини ҳимояда ўтказишга мажбур қилди. Испания терма жамоасининг ўйинида мамлакатнинг етакчи футбол клуби — "Барселона" (Каталония)нинг услубини кўриш мумкин. Клубда бўлгани каби термада ҳам жамоанинг асосини икки ярим ҳимоячи Хави ва Иниеста ташкил қилади. Германияга қарши кечган ўйинда ҳам бу жуфтлик катта ҳажмдаги



ишни бажарди. Учрашувда киритилган ягона голга эса жамоанинг марказий ҳимоячиси Пуйоль муаллифлик қилди — 1:0. Худди Евро-2008 финалида бўлгани каби Германия яна Испаниядан ўша ҳисобда мағлубиятга учради. Энди Германия 10 июль куни Уругвай билан учинчи ўрин учун майдонга чиқади. 11 июль куни эса Испания ва Голландия терма жамоалари иштирокидаги финал ўйини гувоҳи бўламиз.

Дарвоқе, Испания–Германия ўйинидан бир кун аввал телевидение орқали саккизоёқ — Паульнинг башорат қилиш жараёни тасвирини тўғридан-тўғри эфирда намойиш этишганди. Ўшанда у Испания байроғи тасвири туширилган қутичани танлаган эди. Кўриб турибсизки, у яна ҳақ бўлиб чиқди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Касб ҳақида мулоҳазалар

Касб бу инсон ҳаётининг мазмуни. Ўзига, яъни қобилиятига, қизиқишига мос касб танлаган инсон ўз эртасини, порлоқ келажагини таъминлаган бўлади. Хўш, ёшликданоқ касбни тўғри танлаш омиллари нималардан иборат бўлади? Менимча, бундай омиллар сони анчагина. Шулардан бири инсоннинг ўз касби бўйича маҳорати, ибратидир. Инсон ёшлигидаёқ ўз ишини қойил қилганларга ҳавас қилади.

Устоз ибрати шогирдда касбга меҳр уйғотади

Касб эгасининг маҳорати, шу касбдан топган бахти уларни ўзига ром қилади ва улар наздида шу касб касблар ичида аълоси бўлиб кўринади. Ёшларнинг ўз ҳаётида илк рўбарў келадиган, моҳиятини англайдиган касби бу ўқитувчиликдир. Ўқитувчи ёшлар илк бор касб сифатида тасаввур қиладиган фаолият туридир. Агар ўқитувчи ўз ишининг устаси, эл ичида касби билан обрў топган бўлса, шубҳасиз, синфдаги кўплаб ўқувчининг севган фаолият тури, келажакдаги орзусига айланади.

Иноят опа Ўсарқулова Янгийўл туманидаги 18-ўрта мактабда 34 йил мобайнида бошланғич синф ўқувчиларига таълим берган. Унинг ўқувчилари орасидан кўплаб педагоглар чиқди. Бунинг сабаби ҳам юқорида қайд этилган ҳолат деб ўйлайман. Опа ўқувчиларини яхши-ёмонга ажратмасди, уларга бир оиланинг болаларидек, ўзини эса шу оиланинг бошлиғи сифатида биларди. Шу боисми, унинг ўқувчилари билим ўрганишга астойдил киришар, изланувчанлиги ва фақат аъло баҳоларга ўқишга интилиши билан ажралиб турарди. Дарсни болалар учун қизиқарли бўлган усулларни қўллаб, ўз қўли билан яратган кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда ўтиши ўқувчиларнинг сабоқларни тўлақонли ўзлаштиришида муҳим омил бўлиб хизмат қиларди. Маҳалладаги ота-оналар "Боламни Иноят опа ўқитса эди", деб орзу қилишарди. Чунки болада дарсларга нисбатан қизиқиш уйғота олиш ва иқтидорини оча билиш, даставвал, бошланғич синф ўқитувчисининг маҳоратига боғлиқ. Иноят опа эса бунга қодир эди.

Иноят опа стол ва доска атрофидагина фаолият олиб бормас, ҳар биримиз билан алоҳида шуғулланишга ҳам вақт топарди. Ўқувчини доскага чиқарган кезларида шу ўқувчининг партадоши билан ёнма-ён ўтирар, ҳар бир камчилик ёки ютуқни синчиклаб кузатар эди. Ана шу кезлардаёқ кўпчилик синфдошларимиз, жумладан, мен ҳам Иноят опа каби педагог бўлишни орзу қилардик, айни чоғда устознинг сабоқларини жон қулоғимиз билан тинглардик. Йиллар ўтиб, Иноят опанинг хонадонига келин бўлиб тушган пайтларимда ана шу мўътабар аёлдан катта ҳаёт сабоқларини ҳам олишга муяссар бўлдим.

— Синфхона сув қуйгандек жимжит бўлиши ҳам яхши эмас, — деганди устоз. — Жуда баланд овозда ҳам гапирманг, овозингизда оҳанг бўлсин. Ҳеч қачон бу мавзуни яхши биламан-ку, деб ўйламанг. Уйдан мактабга чиқиб кетишим олдидан тайин қилади: Ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўринг. Ўқувчилар дарсингизга қизиқиб интилишсин. Сиз бунга ўз устингизда мунтазам ишлаш натижасидагина эришасиз.

Йиллар ўтди, бир пайтлар "Фарзандимнинг илк ўқитувчиси Иноят опа бўлса эди", дегувчилар бугун "Фарзандимни Иноят опанинг муносиб шогирди ўқитса", дея ният қилишади.

Ҳафиза МАМАТҚУЛОВА

ЎзДЖТУ томонидан 1998 й. Юлдашева Барно Мирпайзиевна номига берилган № 196117 рақамли диплом ҳамда 03.09.1994 й. Тошкент ш. социал-таъминот техникуми томонидан берилган № 01/75 рақамли меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. 26-сонли ХТБЮ томонидан 1995 й. Камилов Хабибулла Хамдамович номига берилган З № 0455886 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "JIYANOV AZAMAT NEMATOVICH" МЧЖнинг Устав фонди 77 850 000 сўмдан 5 700 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳокимининг қарори билан рўйхатга олинган "SAB-NOZ-BEK" МЧЖнинг Устав фонди 20 000 000 сўмдан 11 517 674 сўмга камайтирилади. Даъволар учун тел.: 727-77-70.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. рўйхатга олинган "BILAN" ХК "BILAN" МЧЖга айлантирилади ва барча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар "BILAN" МЧЖ зиммасига ўтади. Тел.: 248-61-31.

ООО "RASULBEK BIZNES" (код по ОКПО 23329688, ИНН 301649013), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Сергелийского р-на г.Ташкента (реестр № 002658-06 от 30.06.2010 г.), расположенное по юридическому адресу: г.Ташкент Сергелийский р-н мас.Сергели-2 д.24 кв-ра 20., ликвидируется (решение учредителя № 1 от 07.07.2010 г.).

ООО "GLOBAL GAZ STROYMAX" (ИНН 301074220) Чиланзарского р-на г.Ташкента сообщает об изменении, уменьшении Уставного фонда с 113 365 000 сум до 17 125 000 сум.

На основании решении общего собрания участников (учредителей) от 26.06.2010 г., уставный "паевой" фонд ППК "KAPITAL INVEST" уменьшается с 100 000 000 сум до 80 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент Чиланзар-16 д.14 кв-ра 25. Тел.: 276-92-10.

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА
МАКСИМАЛ
ЧЕГИРМА

Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЫЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.

AVTODOM PLUS
"ГАЗ" РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси раҳбарияти ўрмон хўжалиги соҳасида узоқ йиллар фаолият юритган, меҳнат фахрийси **ПЎЛАТОВ БАХТИЁР НАСРИДДИНОВИЧ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Қишлоқ ҳаёти» ва «Ҳаёт» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси **Хусанжон АМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Сандамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сунnат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58, 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган ва Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар
①-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: Ю.ЗИЁДОВ
Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 1.15
11172 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 345